

Ishonch

2019 йил 17 декабрь • сешанба • № 152 (4281)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Жорий йил 14 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Ялпи мажлисда 17 масала, шу жумладан, 11 та қонун кўриб чиқилди. Хусусан:

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги;

«Давлат божи тўғрисида»ги;

«Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги;

«Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги;

«Миллий гвардия тўғрисида»ги;

«Нотариат тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;

«Мақтабача таълим ва тарбия тўғрисида»ги;

«Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;

«Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенцияга (Рим, 1951 йил 6 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қонунларни сенаторлар маъқуллади.

Сенаторлар ялпи мажлис давомида 2020 йилда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ташкил этиш дастури, Сурхондарё вилояти Термиз туманининг чегарасини ўзгартириш, Термиз шаҳрининг чегарасини кенгайтириш ҳамда уларнинг чегараларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Мазкур масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги, Навоий вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди. Бу масалалар юзасидан ҳам тегишли қарор қабул қилинди.

Сенаторлар сув объектларига оқинди сувларни оқизиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати томонидан унинг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди



КУНЧИҚАР ЮРТ «СИРЛАРИ»

Япония ёшлари ва таълимга назар



Япония. Бу ўлка ҳақида сўз кетганда, ривожланган давлат ва «имконсиз имкон» туюнчаси кўз олдимизга келади. Чунки, инновацион ғоялар ва ихтиролар, илғор технологияларнинг аксарияти айнан Япония билан боғлиқ. Ўзига хос таълим тизими ҳам... 4

Барчаси қиёсда мужассам 2

Ўттиз уч миллион кўз назари
ёхуд жамоатчилик назорати ҳақида 3



БЎЛАЖАК КИМЁГАРЛАРНИНГ ЯНГИ «ОЛТИН»ЛАРИ

Сингапурнинг «Chemico» компанияси ўтказган кимё фани бўйича Жаҳон халқаро олимпиадасида дунёнинг кўплаб давлатларидан ўқувчилар назарий билимлар, уларни амалиётда қўллаш ва таҳлил қилиш соҳасида ўзларини синаб кўришди.

Олимпиадада юртимиз вакиллари ҳам муносиб иштирок этишди. Хусусан, Тошкент педатрия тиббиёт институти академик лицейининг бир гуруҳ ўқувчилари ғолиб ва совриндорлар

сафидан жой олишди. Улар 2 та олтин (Мирумид Миракбаров, Дилшодахон Исаева), 2 та кумуш (Диёрахон Обидова, Бекзод Розибоев) ва 4 та бронза (Рустам Тўхтабоев, Дилрабохон Оманбаева, Нафиса Нормуродова, Зебохон Исмагулаева) медалларни кўлга киритишди.

Бўлажак кимёгарларнинг эришаётган ютуқлари ҳақида газетамизнинг келгуси сонларида батафсил ҳикоя қиламиз.

Ўз мухбиримиз

Кун иқтибоси

Такаси Кавамура,
Япониянинг Нагоя шаҳри мэри:



Ўзбекистон нафақат бой ўттишини, балки замонавий тараққиётни билан ҳам элонларни ҳайратга солинқда.

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

Оҳанг — янги, ёндашув — эски
Миллий ғояни ривожлантириш концепцияси лойиҳасига оид айрим мулоҳазалар

Хуфёна иқтисодиётга зарба

Ўғай муносабат...
Қачонгача?



КУН НАФА СИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 16 декабрь куни Қозғоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбоев** ва Президент **Қасим-Жомарт Тоқаев**ни Мустақиллик куни билан табриклади.




president.uz



Давлатимиз раҳбари **Шавкат Мирзиёев** Қатар Давлати **Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийни** Мустақиллик куни билан табриклади.

president.uz



Президент **Шавкат Мирзиёев** Баҳрайн Мустақиллиги байрами муносабати билан мамлакат Подшоҳи **Шайх Ҳамад ибн Исо Ал Халифага** қутлов йўллади.

president.uz



«Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси **Рустам Қосимов** ва Бош вазир ўринбосари **Элёр Ғаниев** бошчилигидаги делегация 2019 йил 19-21 декабрь кунлари Малайзияга ташриф буюради.

mfa.uz

Тошкентда 14 декабрь куни Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон ташқи ишлар вазирлари ўринбосарларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

uza.uz



Пойтахтимиздаги «Ишга марҳамат» мономарказида **ишчи касблар бўйича Ўзбекистон биринчи очиқ чемпионати**га старт берилди. Унда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этди.

uza.uz

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари АҚШ ҳарбий хизматчилари (Миссисипи, АҚШ) ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиладиган «Энг яхши жангчи» ҳарбий танловида иштирок этиб, ўз тоифаларида 1-ўринни кўлга киритди.

uza.uz




Япониянинг Токио шаҳрида «Ўзбекистон ва Япония — Буюк ипак йўлида» номли халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман доирасида умрининг катта қисмини ўзбекистон ҳудудидаги археологик тадқиқотларга бахш этган япониялик олим Кюдзо Като ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги кўргазма очилди.

uza.uz

Токио шаҳрида 16 декабрь куни **Ўзбекистон — Япония бизнес-форуми** бўлиб ўтди.

uza.uz



Токиода 16 декабрь куни **Марказий Осиёда хавфсизлик ва минтақанинг барқарор ривожланиши таъминлашга бағишланган давра суҳбати** ташкил этилди.

uza.uz



Японияда ташкил этилган бизнес форум доирасида «**Асака**» банки ва Япониянинг **Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC)** молия муассасаси ўртасида қиймати 100 миллион АҚШ долларига тенг **ҳамкорлик келишуви** имзоланди.

uza.uz



Қаққадарё вилояти

Долзарб мавзу

Мутахассис фикри

Ходимлар манфаати қандай ҳимоя қилинмоқда?

«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти бошқаруви (бугунги кунда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига айлантирилган) ва Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раёсати ўртасида 2017 йилнинг 9 январидан 2017-2019 йилларга мўлжалланган тармоқ келишуви имзоланган эди.



Мазкур ҳужжатнинг 1-боб, 9-бандида «Иш берувчи корхонада ходимларнинг ягона вакиллик органи сифатида касабаси уюшмасини тан олади», деб қайд этиб ўтилган. Бундан ташқари, тармоқ келишувида «Меҳнат интизоми», «Меҳнатни муҳофаза қилиш», «Меҳнатга ҳақ тўлаш ва кафолатли тўловлар», «Иш вақти ва дам олиш вақтлари», «Ижтимоий имтиёз ва кафолатлар», «Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари», «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар», «Меҳнат низолири», «Касабаси уюшмаси қўмитаси ва касабаси фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш» каби қатор йирик бўлимлар борки, уларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда, албатта, иш берувчи ва касабаси уюшмаси асосий роль ўйнайди.

Аммо корхона ёки ташкилотда касабаси уюшмаси қўмитасининг ўзи йўқ бўлса-чи? Тармоқ келишувида белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилмасдан қолмайдими? Кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб энгил саноат корхоналари иш бошлаётгани, соҳага хорижлик инвесторларнинг кенг жалб этилаётгани сир эмас. Хўш, 2017-2019 йилларга мўлжалланган тармоқ келишувининг ижроси янги ташкил этилаётган корхоналарда қониқарлими? Уларда ҳам касабаси уюшмаси қўмитаси фаолияти йўлга қўйилганми?

– Қаққадарёда ҳам янги ташкил этилган энгил саноат корхоналари бор, – дейди тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Илхом Оминов. – Биринчи навбатда, мазкур корхона ва ташкилотларда учрашувлар ўтказиб, касабаси уюшмаси афзалликлари тарғиб қилинмоқда, ходимлар аъзоликка жалб этилапти. Бироқ айрим йирик корхоналар раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилганимиз, расмий хатлар билан чиққанимиз ҳам фойда бермапти.

Хуллас, тармоқ корхоналарида амалдаги «Тармоқ келишуви» тўлиқ бажарилмаётган. Касабаси уюшмаларининг ҳаракатлари бунга етарли бўлмапти. Демак, «Тармоқ келишуви»нинг бандлари ижросини таъминлашда иккинчи тараф – «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасидан ҳам сезиларли туртки керак! Керак бўлса, ёрдам керак. Ахир, айтишади-ку: «қарс» икки қўлдан...



Акмал АБДИЕВ, «Ishonch»



Фарғона вилояти

Қувасой шаҳар педагогика ва иқтисодийёт коллежи ходимлари Гулнора Аҳмедова, Маъмура Мамажоновна, Олмонбек Олимов ва Малоҳат Сатторова Фарғона вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилиб, компенсация пулларини олишда амалий ёрдам сўрашди.

Касабаси уюшмалари аралашгач... Масала ижобий ечим топди

Маълум бўлишича, Қувасой шаҳар педагогика ва иқтисодийёт коллежи раҳбарининг шу йил 1 июлдаги 135-к-сонли буйруғи билан Гулнора Аҳмедова, Маъмура Мамажоновна, Олмонбек Олимов, Малоҳат Сатторова билан тузилган меҳнат шартномаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги 418-сонли қарори ва Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятларининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги сабабли бекор қилинган. Ҳодимлар жараёнида ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасининг Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра бекор қилишда ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатилган нафақасини тўлаш ҳамда иш қидириш даври учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида моддий мадад тўлашни лозимлиги кўрсатилгани аниқланди. Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 67-моддасига асосан иш қидириш даври учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида моддий мадад тўлашни лозим.


Орзигул ҚОЗИХОНОВА, Фарғона вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлим мудири

Беллашувлар қизгин кечди

Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабаси уюшмаси тизимидаги «Деҳқонobod калий заводи» МЧЖ корхонаси маъмурияти ва касабаси уюшмаси ташаббуси билан ишчи-ходимлар ўртасида (стол теннисидан эрақлар, шашкада аёллар) мусобақалар ўтказилди.

Қизгин ўтган беллашувларда стол тенниси мусобақасида Улуғбек Назаров, Одил Салимов, Аҳдам Тилопов юқори ўринларни қўлга киритди. Аёллар ўртасида эса шашкада Нилуфар Рашидовага тенг келадигани топилмади. Тамара Эшмуродова ва Наргиза Дўланова иккинчи ва

учинчи ўринларни банд этишди. Ҳодимларга касабаси уюшмаси қўмитаси томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Шавкат ТОИРОВ, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Наманган вилояти

Меҳнат муҳофазаси

Шароитлар рисоладагидекми?

Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, иш вақтида меҳнат шароитлари, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тизгилиги, асбоб-усқуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш иш берувчилар – корхона, муассаса, ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Бундан ташқари, иш берувчи оғир, ноқулай, зарарли ёки хавфли ишларда банд бўлган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва компенсацияларни белгилаш, соғлиққа шикаст етказишнинг мавжуд хавфи, зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш, ходимларга

берилиши керак бўлган компенсациялардан хабардор бўлиши лозим. «Намангандан маҳсулотлари» АЖда меҳнат шароитлари бўйича иш жойларининг аттестациядан ўтказиш натижалари билан танишганимизда корхонанинг тегиримон, омихта ем ишлаб чиқариш, юк юклаш ҳамда механика ишлаб чиқариш

цехларида банд бўлган ходимлар сут маҳсулотлари, махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганининг гувоҳи бўлди. Бу ушбу корхонада аттестация рисоладагидек ўтказилганидан далолатдир. Қўриқиб турганидек, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари мазкур қарорда белгиланган талабларни бажарса, ишчи-ходимларга меҳнат қилиш жараёнида қулай ва хавфсиз шароит яратилади. Бу эса муваффақиятлар гаровидир. Буни ҳар бир иш берувчи ўз вақтида англаб етиши зарур. Мирзозноир ҚОРАБОЕВ, Наманган вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» бўлими мудири

Нодавлат сектор ташкилотларида меҳнат қилаётган ишчи – ходимларни касабаси уюшмаси аъзоллигига жалб этиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини таъминлаш касабаси уюшмаси ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, маҳаллий ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарда касабаси уюшмаси ташкилотларини тузиш орқали ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Барчаси қиёсда мужассам

Чунки ҳар бир киши қаерда меҳнат қилишидан қатъи назар, касабаси уюшмалари имтиёзларидан фойдаланишга ҳақли. Бунинг учун нодавлат сектор корхоналарида меҳнат қилаётганларнинг меҳнат шароитларини амалдаги меъёрларга мос равишда паспортизация қилиш ва иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сонини кўпайтириш, санитария-маиший хоналари, меҳнат анжомлари ва ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминлаш каби бир қанча муҳим таъсирчан чораларни бажариш, касабаси уюшмалари тизимининг афзалликларини кенг миқёсда тарғиб этиш зарур.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Баҳодир Мирзаевнинг маълум қилишича, айни пайтда вилоятдаги 10 та кўшма ва 8 та хорижий корхонанинг 4967 нафар ишчи-ходимлари касабаси уюшмаси аъзоллигига жалб этилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Хўш, ушбу корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар касабаси уюшмаси аъзоси бўлмаганларга нисбатан қандай фойдали имтиёزلарга эга бўлишди? Бунга «Ангрэн шакар» МЧЖ шаклидаги кўшма корхона мисолида аққол қўриш мумкин. Ушбу корхонада иш берувчи ва касабаси уюшмаси қўмитаси биргаликда жорий йилнинг ўтган даври давомиде жамоа шартномаси асосида ишчи-ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида катта ҳажмдаги ижобий ишлар бажарилган. Масалан, ходим ёки унинг яқин кишилари (эри, хотини, отаси, онаси, фарзандлари, акаси, укаси, опаси, синглиси) вафот этгани муносабати билан дафн маросимлари учун 17 нафар ишчи-ходимнинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг ўн баробари, биринчи бор турмушга чиқаётган ёки уланаётган 20 нафар ходимга никоҳ тўйи муносабати билан энг кам иш ҳақининг беш баробари, «Иккинчи жаҳон уруши» қатнашчилари ва унга тенглаштирилган 3 нафар шахсни рағбатлантириш учун уларнинг ҳар бирига белгиланган энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдориде моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари, саккиз нафар ишчи-ходимнинг соғлигини тиклаш ва даволаниш харажатлари корхона ҳисобидан қопланди. Пенсия ва юбилей ёшига тўлган олти нафар ишчи-ходимнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдориде мукофотланди.

Касабаси уюшмаси аъзоси бўлган «Интер-роҳат» кўшма корхонасида ҳам ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу корхона ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимояси учун 2 523 374 минг сўмлик маблағ ажратган. «Мастер деликатесов» корхонаси эса 118 нафар ишчи-ходимнинг ижтимоий манфаатлари учун 37 500 минг сўм сарфланган. Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари яхши ташкиллаштирилган. Хусусан, ишчи-ходимларни махсус кийимлар билан таъминлаш, тиббий кўриқдан ўтказиш учун 80 миллион сўмлик маблағни ўзлаштириш кўзда тутилган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Агар мазкур корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар касабаси уюшмаси аъзоллигига қамраб олинмаганида қайд этилган турли ижтимоий имтиёزلардан фойдалана олмас эди. Албатта, касабаси уюшмаси аъзоси бўлиш мажбурий эмас. Бироқ унинг афзалликларидан кўз юмиш кейинчалик иш берувчига қимматга тушиши мумкин. Энг ёмони, бунда ишчи-ходимларнинг ижтимоий манфаатларига катта зарар етати. Бу эса кўплаб санбий оқибатларни келтириб чиқариши таъин. Шу боис тармоқ масъул ташкилотчиси ҳамда туман ва шаҳар кенгашлари нодавлат сектордаги 1800 та корхонада меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий ҳужжатлар воситасида тартибга солиш, ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қулай иш шароитларини яратиб бериш мақсадида кенг қамровли тарғиб-бот-ташвиқот тадбирларини амалга оширди. Тез орада улар ўз самарасини берса, ажаб эмас.

Хулоса ўрнида айтилган бўлса, кўшма ҳамда хорижий корхоналар мутасаддилари ва ишчи-ходимларига касабаси уюшмаси тизими ҳақида кенг маълумот бериш, унинг афзалликларини тушунириш, мавжуд бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини янада жонлантириш, иш самарадорлигини ошириш мақсадида касабаси уюшмаси етакчиларининг ўқув машғулотларини ўтказиш, уларга ҳар томонлама назарий ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳамisha иш фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолаверади.

Корхонада ишчи-ходимлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 1866 килограмм гўшт маҳсулоти тарқатилгани барчани бирдек мамнун этди. Бу ерда ҳар бир байрам арафасида жамоа аъзолари мукофотлаш, меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиш, уларга кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини тақдим этиш хайрли анъаналар айланган. Корхонада ишчи-ходимларнинг соғлигини тиклаш ва мароқли дам олиши масаласи ҳам доимий эътиборда. Улар учун санаторийларга имтиёзли йўлланмалар бериб боришмоқда. 23 нафар ишчи-ходим табиати хушқаво Чимён тоғбағрида жойлашган «Pake Nur» дам олиш масканида мароқли хордиқ чиқарди. 104 нафар ишчи-ходимнинг фарзандлари эса «Кимёгар», «Радуга», «Кувноқ ёз оромгоҳи» бөлалар соғломлаштириш лагерларида бўлишиб, ёзги таътилни бир олам ёрқин таассуротлар билан

Бегали САЙДАЛИЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси



Майдонда тиббиётчилар

Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар ўртасида футболни янада оммалаштириш мақсадида мусобақа ташкил этилди. Унда ҳудуддаги илмий марказлар, даволаш-профилактика муассасалари ҳамда шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларидан 20 та жамоа иштирок этди. Қизгин ва мurosасиз баҳслар давомида тиббиётчилар нафақат ўз соҳаларида, балки футболда ҳам фаол эканликларини амалда яна бир бор исботлашди.

Яқунда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали ва Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоалари ўзаро куч синашдилар. Муросасиз кечган ўйинда қўқонлик тиббиётчилар зафар кучди. Ҳодимларга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди. Шоҳидахон ҚАРИМОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

«Жамоатчилик назорати» иборасидаги «назорат» сўзининг ўзаги «назар» сўзидандир. Назорат – кўз солмоқ, назар ташламоқ, кўз-қулоқ бўлмоқ, деганидир. Жамоатчилик назорати – халқнинг давлат ва жамият ишларида кўз-қулоқ бўлмоғидир. Бу барокот келтирувчи буюк ҳаракат демакдир.

Бу не саодатки, Ўзбекистонимизда халқ давлатга эмас, давлат халқ учун экани эълон қилинди ҳамда барча ҳаракатлар шу тамойилга йўналтирилди. Узоқ йиллар қабул қилинмай келинган давлат хизмати, давлат хавфсизлик идоралари, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти қонун доирасига олинди. «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонун ва Давлат дастури қабул қилиниб, амалдорлар ва уларнинг оила аъзолари даромадларини декларация қилиш йўлга қўйилмоқда. Ошкоралик ва очиқлик сиёсати, қийинчилик ва қаршиликларга қарамасдан ишчи олдига солишмоқда. Шу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бўлди. Ушбу қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мансабдорларнинг кўнигиши ва халқнинг фаоллигини уйғотиш қийин бўлаётган ислохотларнинг бугунги нуктасида очиқлик, ошкоралик ва жамоат назоратини кучайтиришга урғу берилиши бежиз эмас.

Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, Конституциянинг 2-моддасига мувофиқ, давлат органлари ва мансабдор шахслар эканлиги ва фуқаролар олдига масъул эканлиги асосланади. Конституциянинг 32-моддасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш кўзда тутилган.

Биродарлар, фуқароларимиз ва журналистларимиз, ислохотларимиз тақдирига берадир бўлмайлик, уч йиллик ҳаракатларимизга қарамасдан ислохотлар жараёни оғир кечмоқда, маъмурий ислохотлар бошланғич ҳолатида, иқтисодий ислохотлар: солиқ, банк, мулк соҳасидаги янгиликлар, эскиликларнинг исқанджасидан чиқа олмайпти, судларда ошкоралик қилиш ва суд жараёнини бевосита намойиш этиш қаршиликка учради, порахўрлик ва коррупцияни жилавдиш имконсиз бўлиб турибди. Шу шароитда давлат раҳбари жамоатчилик назоратини кўмакка чорламоқда.

ЎТТИЗ УЧ МИЛЛИОН КЎЗ НАЗАРИ

ёхуд жамоатчилик назорати ҳақида

Шу ўринда ахборот тасмаларига эътибор берайлик: «боғча мудирини болаларнинг овқатларига ажратилган маблағларларни талон-тарож қилган», «халқ таълими раҳбарлари ва банк мутасаддилари ўқитувчилар маошини вақтида бермай, айлангиргани учун жавобгарлик кўзга тилиди», «намунавий уйлар қурилишида маблағлар ўзлаштирилиб, бинолар сифатсиз қурилгани ошкор бўлди», «ободонлаштириш учун ажратилган миллиардлаб маблағлар ўзлаштирилган...» Демак, ҳамон давлат бюджети турли даражада талон-тарож қилинган ва қилнаётгани кўриниб турибди.

Яқинда 2020 йил Давлат бюджети қабул қилинди. Унда кўзда тутилган триллионлаб маблағлар охириги нуктасигача бутун етса, кўрсатилган мақсадларга ҳолис ва ҳалол ишлатилса, ҳаёт даражамиз кескин ошиши шубҳасиздир. Бунинг учун жамоатчилик назорати зарур. Шу мақсадда бу йил бюджет анча очиқланди ва қонун тусини олди. Ажратилган маблағлар аниқ соҳалар ва ташкилотлар кесимида эълон қилинди. Жамоатчиликнинг бутун вертикалини бошдан охиригача назорат қилиши керак.

Масалан, халқ таълимига ажратилган маблағ

унинг ҳар бир тийини бўйича туман халқ таълими идоралари ва мактаб маъмуриятидан ҳисоб сўраши керак.

Барча соҳаларда жамоатчилик назоратини фуқаролар, нодавлат жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ўрнатиши шарт. Давлат раҳбари шунга талаб қилмоқда!

Жамоатчилик назорати механизмида ҳамма нарса аён: унинг назорат қилувчи субъекти – фуқаролар ва жамоатчилик, унинг назорат қилиниши лозим бўлган объекти – давлат идоралари ва мансабдор шахслардир. Унинг тақдирини бюрократиянинг қўлига бериб қўймас, мансабдорлар «Келлинг, бир жамоатчилик комиссияси тўзайлик, ҳаммаларнинг бир бўлиб, мени назорат қилинлар!» деб айтмайди. Жамоатчилик назоратини яна бир ҳужажуринга, номигагина «ташқиллаштириш» бу буюк ғояни чиппака чиқаради. Шундай ҳавф, шундоқ ҳаракатлар борлиги, ҳақиқатни ёзаётган журналистларга ва оммавий ахборот воситаларига босим ўтказилгани, маҳаллий ҳудудлардаги ҳолатларни ошкор этган «арзчи» ларнинг озгина юмишга уринишлар борлигини билгани учун ҳам Шавкат Мирзиёев мансабдорларга қарата сўз эркинлиги ва жамоатчилик назорати соҳасида орта қайтиш бўлмайди, деб қатъий айтмоқда.

Совет даврида ҳам «народный контроль» (халқ назорати) деган институт бор эди, аммо у номигагина эди, чунки халқнинг иродасини фодо этмас эди. Унинг раҳбарлари компартиянинг райком ва обком бюрolari томонидан тайинланар ва уларнинг иэмидан чиқмасди.

Шунинг учун жамоатчилик назоратини «оқсоқоллар ва нафақажўрлар» қариллик гаштига қўшиб сурадиган иш эмас, бутун халқнинг орийат ва номуси иши деб билмоқ керак.

Илмий ва илмий-публицистик асарларда «ҳокимият» тушунчасига «таъсир ўтказиш қобилияти», «бўйсундириш», «итоат эттириш салоҳияти» дея таъриф берилади. Тоталитар сиёсий режимда жамият муайян шахсга ёки бирон-бир сиёсий гуруҳга қизмаётган қилса, демократик сиёсий режимда ҳокимият халққа тегишли бўлиб, қонун ҳокимияти («қонун устуворлиги», «фақат қо-

нунга бўйсунуш») амал қилади.

Демократик сиёсий режимда давлат ҳокимиятининг табиатини куйидаги учта муҳим универсал субстанционал хусусият белгилайди: давлат ҳокимиятининг халқ томонидан бевосита (умум-халқ сайлови орқали) шакллантирилиши; халқнинг давлат ҳокимияти бошқарувида бевосита (сайлов, референдум) ёки билвосита (Президент, парламент, маҳаллий кенгашлик орқали) иштирок этиши; давлат ҳокимиятининг халқ томонидан назорат қилиниши.

Давлат ҳокимиятининг халқ томонидан назорат қилиниши деганда воқолатли давлат идораларининг халқ олдига, ижро ва суд ҳокимиятининг эса вакиллик органлари олдига ҳисобдорлиги ва масъулияти тушунилади. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ҳокимларнинг маҳаллий кенгашларда раислик қилиш амалиёти туғатилади, ижро ҳокимиятининг вакиллик органлари олдига ҳисоб бериш тизими жорий этилди. Масалан, ички ишлар вазирининг – ҳар олти ойда Олий Мажлис Сенати олдига, ички ишлар органлари ўрта ва куйи бўғин бошлиқларининг эса ҳар чорак, ҳар ойда тегишли маҳаллий кенгашлар олдига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳисобот бериш тартиби жорий этилди. Бу тартибни амалга ошириш кўниқмаларнинг шаклланигани, фуқаролар фаоллигининг этишмаслиги сабабли у ҳали биз ўйлаган даражага кўтарилмагани сир эмас.

Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, Конституциянинг 2-моддасига мувофиқ, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъул эканлигига асосланади. Конституциянинг 32-моддасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётидаги энг долзарб, аҳолини, уларнинг муайян қатламни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш учун жамоат-

чилик назоратини амалга ошириш муҳим. Масалан, коррупцияга қарши кураш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбарларининг қонун ҳужжатларига зид равишда айрим соҳа (таълим, тиббиёт ва ҳ.к.) вакиллари мажбурий ишларга жалб этиш каби аҳолини ташвишга солаётган, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига, аҳолининг кайфиятига салбий таъсир кўрсатётган соҳалар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш зарур.


Едимизда, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида маърузасида «Бугун ҳаётнинг ўзи парламент назорати объектлари доирасини кенгайтиришни ҳам талаб этмоқда. Амалдаги қонунга кўра, парламент фақат давлат органлари фаолияти устидан назорат олиб бориши мумкин. Бироқ ҳўжалик бошқаруви органлари, хусусан, «Ўзбекнефтегаз», «Ўзбекэнерго» ва бошқа компания ва бирлашмалар бундан четда қолмоқда. Шу мақсадда «Парламент назорати тўғрисида» ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим, деб ҳисоблайман» дея фикр билдирган эдилар. Бу соҳалар жамоатчилик назорати остига ҳам олиниши лозим.

Кучли фуқаролик жамияти қуришни муҳим шартларидан бири – халқ ҳокимиятчилиги ва давлат бошқарувида ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш ҳисобланади.

Кучли парламент ва жамоатчилик назорати – демократиянинг муҳим шартидир.



Карим БАҲРИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюмчаси Жамоатчилик кенгаши аъзоси



Газетанинг жорий йил 23 ноябрдаги сонидан чоп этилган «Томдаги «дорбоз»лар» сарлавҳали мақолага Жиззах вилояти прокуратураси қуйидагича жавоб берди:

Қоидабузарлар жазоланди



Жиззах шаҳридаги уйлар қурилишида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилинмаётгани ҳақида мақолада баён этилган ҳолатлар мутахассислар иштирокида ўрнини чиқилди. Жумладан, Жиззах вилояти транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касабаяушма кўмитаси «Агросоноат Глюс», «Исломжон Анорбой», «Гулруҳ Мера строй» МЧЖда ишчи ва ходимларни касабаяушмаси аъзоллигига жалб этиш бўйича тушунтириш ишларини амалга оширди.

Бунинг натижасида «Агросоноат Глюс» масъулияти чекланган жамияти вилоят транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касабаяушма кўмитаси аъзосига айланди.

Айни пайтда кўмита вилоятдаги бошқа қурилиш ташкилотларини ҳам касабаяушмаси аъзоллигига жалб қилиш чорасини кўрмоқда.

Бундан ташқари, «Агросоноат Глюс», «Исломжон Анорбой», «Гулруҳ Мера строй» МЧЖларида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши вилоят Бандлик бош башқармаси Давлат меҳнат инспекцияси мутахассиси иштирокида ўрганилди.


Ўрганиш натижасига кўра, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаган мазкур корхоналарнинг раҳбарлари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 49-моддасига мувофиқ маъмурий жарамага тортилди. Қолаверса, мазкур корхоналарнинг раҳбарларига қурилишда ишлаган ишчиларни махсус кийим ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминлаш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди.

Вилоят прокурори ўринбосари А.АШУРОВ

Тошкент вилояти, Янгиёул тумани Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатдан ўтган «DAAP HOPE» оилавий корхонасининг (СТПР: 305192755) Устав фонди 23 188 000 сўздан 2 000 000 сўзга камайгани маълум қилинмоқда.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаяушмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси ҳамда Қашқадарё вилояти касабаяушма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси меҳнат фахрийси **Ботир УСМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

Самарқанд вилояти



Сабоҳат Бобоева Самарқанд туманидаги «Илонсой Ломанн Парранда» фабрикасида ишлаб юрган чоғида касб касаллигига чалинган. Самарқанд вилояти тиббий меҳнат экспертиза комиссияси 2017 йилнинг ноябрь ойида унга ўмрбод 3-гурӯҳ ногиронлиги ва 50 фоиз меҳнатга лаёқатсизлик даражасини белгиланган.

ПАЙСАЛГА СОЛИНАЁТГАН ИЖРОНИМА, бу лоқайдликми ёки?..

Конунчиликка мувофиқ, «Илонсой Ломанн Парранда» фабрикаси касб касаллигига чалинган ходимга ойма-ой товопули нафақаси тўлаб бериши керак эди. Аммо бу иш амалга ошмаган. Шу боис, Сабоҳат Бобоева 2018 йилда бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судга мурожаат этди. Бу вақтда паррандачилик фабрикаси тугатилиб, унинг ўрнида бир нечта

ҳуқуқий ворислар фаолият кўрсатётган эди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан Сабоҳат Бобоевага 2017 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб касб касаллиги бўйича зарарни тўлаб бериш Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Самарқанд тумани бўлими ва собиқ корхонанинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган «Илонсой Ломанн Парранда» фермер ҳўжалиги зиммасига юклатилди. Бироқ суд қарори

ижроси таъминланмаган. Товон пули тўланиши ҳамон пайсалга солинаётганидан норози бўлган Сабоҳат Бобоева Самарқанд вилояти касабаяушма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилди.

– Олти нафар фарзандим бор. Очиги, дард билан олишиб йиллар ўтганини ҳам сезмай қўлибман, – дейди Сабоҳат Бобоева. – Бу орада мен меҳнат қилган корхона тугатилиб, унинг мулки бошқаларга ўтиб

Оғриқ тишлар...

кетган экан. Суд ҳақ-ҳуқуқимни тиклади. Аммо суд қарори ижро этилмаётган...

Мажбурий ижро бюроси Самарқанд тумани бўлими, туман БТҲЖ суднинг қонуний кучга кирган қарорини бир йил давомида ҳам бажармаганини қандай тушуниш мумкин? Бу лоқайдликми ёки бепарволик?..

Самарқанд вилояти касабаяушма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши МИБнинг Самарқанд вилояти бошқармасига мазкур савол юзасидан хат жўнатди. Уйлаймизки, мутасаддилар тез орада ечимини кутаётган мазкур муаммага ойдинлик киритишади.



Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch»

Мулоҳаза

ЎРТАДА БЕГОНА ЙЎҚ

ёхуд таълим-тарбия жараёнидаги ҳамкорлик қандай бўлиши керак?

Атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида таъкидлаганидек, боланинг етуқ тарбия топишида ижтимоий муҳит, оиланинг ўрни, шунингдек, соғлом инсонни тарбиялаш, тафаккурини ривожлантириш, ўқувчини фикрлашга ўргатиш, янада муҳими, ахлоқ, яхши ҳулқ ва одатларни таркиб топтириш ҳамisha ҳаёт-мамат масаласидир. Ешлар ҳулқ-одоб маданиятини шакллантириш жараёнида қадриятлар олдига шахсий жавобгарлик ҳиссини англай бошлайди. Натижада уларда ижтимоий иллатларга муросасиз бўлиш, келажак ҳаёти мазмунли ва қизиқарлироқ бўлиши учун қурби етган чора-тадбирларни бажариш ҳисси юзага келади. Бу жараён ота-оналар ва ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳозирги пайтда айрим ота-оналар ўзларининг бурчларини унутиб қўйган. Улар барча айбни мактаб маъмурияти ёки ўқитувчиларга тўнқашга ҳаракат қилишади. Ҳолбуки, таълим-тарбия жараёнида бегона деган тушунча йўқ. «Қарсикки қўлдан чиқади» деганларидек, у ўзаро ҳамкорлик ва кенг жамоатчилик ёрдамида ўзининг ижобий самарасини беради. Шу боис ота-оналар ўз бурч ва мажбуриятларини тўлиқ бажариши зарур. Ана шунда боланинг ўқиши ва юриш-туришида муаммо юзага келмайди.

Марғуба ҚОРАБОВЕВА,
Чилонзор туманидаги 126-мактаб ўқитувчиси

Яқинда жиззахлик бир аёлнинг хаста эрига жигарининг бир қисмини бериб, уни ўлимдан асраб қолганини эшитиб, ғоят таъсирландим. Вафо, садоқат, муҳаббат ойнаси хира тортиб бораётган бир пайтда бунга ўхшаш воқеаларни фақат киноларда кўришимиз мумкин. Аммо ҳаётда ҳам бўлар экан-ку!..

Азалдан она-ю момоларимиз қизлари, набираларига «эрта бир кун турмушга чиқсанг, эринг сенинг ярим пиринг бўлади», дея уқтиришган. Таассуфлар бўлсинким, бу-

гун бундай хислат айрим аёлларимизга мерос бўлиб ўтмаяпти. Оиламиз устунлари бўлган кучли жинс вакиллари кимларнингдир наздида фақатгина пул топиб келувчига айланиб қолаётгани сир эмас.

Энди ўзингиз ўйланг: эрта бир кун турмуш ўртоғи хасталаниб, тўшакка михланиб қолса, ундайлар эрининг озига бир пиёла сув тутишига ишонасизми? Истаймизми, йўқми, бугун айрим аёлларимизнинг шукроналик ҳақидаги фикрларига «куя тушгани» аниқ. (Бу ўринда эри умуман ишламай, кунбўйи «жўрабозлик» қилиб юрадини эрмакнинг аёли ҳақида гапирилаяпти.) Бу аёлларга ои-

ласидаги хотиржамликдан кўра, дугона, қўни-қўшини, қариндошлар ўртасидаги кимўзарга кийиниш, тақир-туқур мебеллар, тўйдаги дабдабалар борасидаги «пойга» да ғойиблик муҳимдай гўё. «Кўрпангга қараб оёқ узат», деган нақлга амал қилмай, аслида арзимас оруз-хавас дея бора-бора турмуш ўртоғини иқтисодий масалада боши берк кўчага киргизиб қўйишадими, оқибатда эр бечора туппа-тузуқ ишини ҳам ташлаб, тўрва халтасини кўтариб, совуқ ўлкаларга ишлашга кетади.

Бир аёлни биламан – эрининг қўлида хунари бор, пайвандчилик қилиб, шунинг орқасидан оила тебратишарди. Қи-

лар туққан, эрни эр қилиб юрган ҳам ўзимиз, дея кериламиз. Аммо англамаймизки, отамиз, акамиз, турмуш ўртоғимизнинг хурматини жойига қўймасак, қадрламасак, уларга фидойий бўлмасак, у ҳолда биз ким деган одам бўламиз?!

Шулар ҳақида ёзаётган-у хаста эрига жонидан бир парча жон ҳада эта олган ўша аёл ҳақида яна ўйлаб қоламан, у бисими кўтарилиб кетиб, ишлаб турган жойида вафот этди. Ўша аёл турмуш ўртоғининг жасадини узоқ ўлкадан олиб келиш учун у бечора юборган пулдан ҳам кўп маблағ сарфлади. Оқибатда турмуш ўртоғидан эрта айрилгани қолди, холос.

Ҳоҳида биз – аёлларнинг жонимиз қирқта, сабр-бардошлигимиз, пайғамбарларни ҳам она-

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»



17 декабрь – Мухаммадризо Огаҳий таваллуд топган кун

мартаси ниҳоятсиз банд ва сўз аҳли ҳаммиса азиз ва аржуманддурлар».

Сўз мартабаси

Исон ақлий-ижодий фаолият билан шуғуллана бошлаганидан буён бу кўҳна заминда қанчадан-қанча ёзувчи ва шоирлар яшаб ўтди.

Лекин санокли сўз санъаткорларининг номлари ва асарларига асрлар силсиласига дош бериб, яшаб қолгани ва ҳамон барчани ҳайратга солиб келатгани ҳар қанча таҳсин ва эътиборга лойиқдир.

Ана шундай саодат Мухаммадризо Эрнӣзбек ўғли Огаҳийга ҳам насиб этди. У ўз китъаларидан бирида шундай ёзади:

Киши неча иморат қилса бунёд, Ва ёҳуд ҳаддин афзун қўйса авлод, Тутуб бўлмас бирисидин бақо кўз, Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.

Сўзлаш деярлик барчага насиб этган, аммо сўз айтиш истеводига ҳамма ҳам муяссар эмас. Огаҳийнинг «Таъвиз улошиқин» (Ошиқлар тумори) девони дебوحасида шундай сатрлар бор: «Кишидин то қиёматгача боқий қолотурғон ёдгор ва фарзанди саодатосор яхши сўздирикми, онго замон ҳаводисининг офати зарари асло етушмас ва даврон инқилобининг губори асари ҳаргиз аҳволи бошига тушмас. Ва вуҷуди адам ки-сватидин муарро ва бақоси фано тухматидин мубарродур. Алқисса, сўз

зу-интилишларини мавзу қилиб олганидир.

Ана шу сабабдан ҳам Огаҳий насри ва назми «адам киватидин муарро ва бақоси фано тухматидин мубарро» (йўқлик либосидан холи ва ўткинчи дунё тухматларидан озод) қолди, ижодкори бошига азизлик тожини кийдирди.

Сўз орқали бадиийликнинг юксак намуналарини яратган ва ўзига шу орқали ҳайкал қўя билган Огаҳий мутафаккир сифатида бошқаларни ҳам сўз қадрини банд тутушга даъват этади. Бунини шоир девони дебوحасидан тортиб, жуда кўп ғазалларида, маснавий, қитъа, рубоийларида ҳам кузатиш мумкин. «Сўз» радиопрограммасида шундай бағишланган:

Эй кўнгул, одам ҳаёл айлаб, дема нодонга сўз, Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.

Сўзди инсон кўнглида бир гавҳар қийматбахо, Они хор этма дебон хар хуши йўқ ҳайвонга сўз.

Инсонни ҳайвондан фарқлаб турадиган нарсаси ҳам сўзи, фикри, ўй-андишаси. Сўзига беътибор одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ. Ҳайвон дур-у гавҳар фарқини қаёқдан билсин. Унинг иши кунжараю сомон билан. Асли нофаҳм одамга гап тушунтириш оғир машаққат.

«Сўз» радиопрограммасида ҳам бир ғазалида Огаҳий таъкидлайдики, кўнгул бир ден-

гиз, сўзни ундаги покиза гавҳарга қиёс қилгудек. Лекин шарти шуки, у маъни билан зийнатланган бўлса. Кимнинг ким эканини билмоқ тилсанг сўзидан аён бўлади.

Кўнгул бир баҳри заххору ондадур покиза гавҳар сўз, Вале шарт улки маони шохидига бўлса зевар сўз. Сўзига боқ агар билмак тиларсан кимса аҳволинки, асрори ниҳони суратиға келди мазҳар сўз.

Мана энди ушбу рубоийга эътиборингизни тортмиш:

Сўзур бу жаҳон аҳли аро қўлзуми жарф,

Покиза маони ангодур дурри шигарф,

Бу баҳр топар кўнгул аро гунжойиш,

Лекин анго ҳар кўнгул бўла олмас зарф.

Сўз камеб гавҳарларга тўла уммон, у кўнгуллардан ўрин топади, озиқ беради. Лекин ҳамма кўнгул ҳам уни сиғдиришга қодир эмас. Огаҳий демоқчи, сўз айтивчи билан бирга уни айтивчи, қабул қилувчининг масъулияти ҳам кам эмас. Маъноли сўз қадрига етадиган нозикфаҳм, пок қалб эгаси ҳам жуда зарур.

Дебон гафлат элиға панд зойеъ қилма сўзинким,

Эшитмак мумкин эрмас гар десанг ҳар нечаким кар сўз.

Сўзингга аҳли дунё олида қадр истама ҳаргиз,

Рафиул қадр эконни на билсун гов ила хар сўз.

Лоқайд, дунёни сув олса тўпига чиқмайдиган, бефаросат кимсаларга насиҳат айтиб сўзингизни зое қилиб юрмаглики, кар одам гар қанча гапирсанг эшитмагани каби улар ҳам эътиборсиздир. «Аҳли дунё»дан бунини умид ҳам этмаглики, мол билан эшак сўз бир юксак

қадр эканини қайдан ҳам билсин? «Аҳли дунё» бирикмасида шоир икки маънони кўзда тутди. Биринчиси, бу дунёда яшовчилар, дейлик, шоирнинг айрим замондошларига ишора бўлса, кейингиси мо-дунёга, бойликка ҳирс-у ҳавас қўйган кимсалар. Негаким, пул, мол-дунёга берилган кишилар кўпинча одамгарчилик, инсоф-у диёнати, бировлар сўзини, аҳли илмини назар-писанд қилмай қўйди.

Огаҳийнинг «Даҳр боғи таърифида» номли маснавийси шундай байтлар билан якунланади:

Халқ аро гар огаҳ эсанг, Огаҳий, Беғараз ар сўзни десанг, Огаҳий, Чунки эрур бошдин аёқ чин сўзинг, Лек керақдур амал этсанг ўзинг. Гар амалинг бўлмас, не фойда, Борча сўзинг бўлгуси бефойда.

Шоир ўзига ва сўзига қанчалар талабчан, масъулиятли. Кейинги байтдаги «амал» сўзи зиммасига бир неча маъно юқини юклагани ҳам бунини далиллайди.

Биринчидан, у амал – ижро маъносини берса, иккинчидан, мансаб, лавозим, мавқеъ маъносини ҳам англатади. Байт бир ўқилганда айтган сўзинг билан қилган ишинг бир бўлмаса, ўз сўзингга ўзинг амал этмасанг барчаси беҳуда ва ижроси йўқ сўзинг фойдасиздир, деган хулоса келиб чиқади.

Байтнинг яна бир бор ўқисангиз, энди у янги маъно ва мазмун билан жилланади. Амалдаги, мансабдаги кишиларнинг айтгани айтган, дегани деган. Амалнинг йўқ экан, тўғри сўзинг ҳам эътиборсиз қолади ва айтганидан ҳеч қандай наф йўқ, деган кинояюм сўз мазмун ҳам келиб чиқади.

Хуллас, Огаҳий наздида сўз айтиш осон иш эмас. У пухта, мукамал, аниқ ва аниқ ҳақиқат бўлмоғи керак. Токи, ҳеч қим сўзингдан нуқсон топиб эътироз билдирмасинки, оқибатда, сўзловчи оғури-сиз ҳам нуқсон етмасин!

Отабек ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Дунё бўйлаб...

Япония. Бу ўлка ҳақида сўз кетганда, ривожланган давлат ва «имконсиз имкон» тушунчаси кўз олдимизга келади. Чунки, инновацион ғоялар ва ихтиролар, илгор технологияларнинг аксарияти айна Япония билан боғлиқ. Ўзига ҳос таълим тизими ҳам... Улар ҳақида шу юрда яшаган, таълим олган ўзбек қизи Машхураҳон Тўхтамирзаева ҳикоя қилади.

КУНЧИҚАР ЮРТ «СИРЛАРИ»

Япония ёшлари ва таълимига назар

Машхураҳон Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетининг япон тили йўналишида ўқиган. Сўнгги Япониянинг Токио чет тиллар университетининг магистратура ва докторантура йўналишида таҳсил олиб, PhD даражасини эгаллашган. Айни пайтда у Токио давлат юридик университетида талабаларга япон тилидан сабоқ бermoқда.

— Сиз 9 йил мобайнида Японияда яшадингиз, ўша юрт фуқаролари, олимлари ва ёшлари билан бирга ишладингиз. Айтинг-чи, японлар қандай халқларга ўзига хосликларни юксак тараққийта эришган?

— Японларни бунгича тараққийёт ва юксак маданиятга, аввало, илм ва китоб орқали муяссар бўлган. Уларда мутлоа кундалик, оддий зарурат. Агар улар шу даражада кўп ўқимаганида бу қадар маданиятли халқ бўлишмасди. Бир мисол, кўча-кўйда автомашинлар биздагидан 2-3 баробар кўп бўлишига қарамадан ҳар қанча йўл талашиб тортишган японларни кўрмайсиз. Бундай жамоат маданиятини ўргатиш болаларга бошланғич синф, ҳатто болалардан бошланади.

Мақтабгача таълим муассаларидаги гуруҳларда телевизорлар йўқ, умуман, боғида болаларга телевизор кўрсатилмайди. Уларнинг назарида таълим даргоҳида таҳсил олиш ўрнига болага телевизор кўрсатиш, бу ўз қўли билан болалар тарбиясини бузишга ҳисса қўшишдир. Менинг ҳам фарзандим Японияда боғида борган. Ҳар гал уни уйга олиб қайтаётганимда боғча опаси таъкидларди: «Уйда болага ярим соатдан ортиқ телевизор кўрсатманг. Унинг фикрлаши, дунёқарши ривожланипти. Кўп телевизор кўрса, фақат «қабул қилувчи»га айланади қолиши мумкин. Бу эса унинг келажакда янгилик яратиш иштиёқини сўндирди, миёсида фикрлаш жараёнларини секинлаштириди».

Кейинчалик фарзандим Японияда биринчи синфда таҳсил олди. Шу баҳона уларнинг мактаб таълимидаги ўзига хосликларини кузатиш имконига эга бўлдим. Одатда ўқувчилар мактабга икки хил сумка олиб боришади. Биринчи сумкада кундалик дарсликларни олиб юрса, иккинчисини дасдан ташқари ўқитган бадиий китоблари туради. Ҳар кунни ўқувчи эрталаб 8:15да мактабда бўлиш керак. Бирок дарслар 9:00дан бошланади. Ана шу 8:15 дан 9:00гача бўлган вақтда ўқувчи бутун синф ўқувчилари билан «Мутлоа вақтин» ўтказди. Бунда болалар ўшига мос китоб олиниб, бир сафар ҳикоя тарзида банд овозда ўқилса, кейинги сафар театрлашган кўриниш қўйиб берилади. Кейинги гал эса слайд ва расмлардан фойдаланган ҳолда ҳикоянавислик кўникмаси ҳосил қилинади.

Энди ўйланг: уйда китоб ўқишни кўя турарлиқ, ҳар кунни 45 дақиқадан мактабда мутлоа қилинса, бир ҳафтада, бир ойда, бир йилда бола қанча эртақ еки ҳикоя билан танишади. Уйдаги мутлоа эса бу ҳисобни янада ошириши ҳар қандай инсонни қувонтиради.

— Ҳар бир жамиятнинг ўзига яраша муаммо ва камчиликлари бўлади. Японияда зиёлилар жамиятдаги қайси жиҳатлардан ташвишланипти?

— Албатта, Япония ривожланган давлат бўлишига қарамадан, у ерда ҳам ўзига яраша муаммолар бор ва бу табиий. Шундай муаммолардан бири, бу тулиши камлиги, мамлакатда ёшлар сонига нисбатан кексаларнинг кўплигидир. Бунинг сабаблари талайгина. Масалан, ёшлар керч турмуш қуришади. Ҳақдан зиёд ишга берилиб кетиш оқибатида, турмушга чиқиш ёки ўйланганини нарироққа суришади. Айрим фарзандли оталар кўпроқ пул топиш мақсадида ишдан кейин ҳам қўшимча ишлашади. Натيجида, улар оиласи ва фарзандларига кам вақт ажратади. Бу эса оила бюджетига иқтисодий томондан фойда келтиргани ҳолда, маънавий томондан зарар келти-

ради. Узоқ муддат давом этувчи бундай ҳолатлар ота-она ёки фарзандларнинг оилага тегишлилик ҳисси камайишига олиб келмоқда. Айрим япон ёшлари «Агар хо-зир уйлансам, бошлаган шунча ишларим қолиб кетади» тарзида фикрлайди. Баъзида эса фақат иш билан банд бўлиб, ўзига муносиб қиз ёки йигитни учратмагани учун ҳам турмуш қуриш чўзилади. Кўпинча, ёшлар 30-35 ёш орасида турмуш қуришса да, ота-оналикка жуда катта масъулият билан қарагани боис фарзандли бўлиш масаласида жиддий ўйлаб, сўнг қарорга келишади.

Мамлакатда болалар етишмаслиги муаммоси ҳам бор. Ишламоқчи бўлган оналар йўлланма олиш учун узоқ вақт навбатда туришади. Анча йиллардан буён япон журналистлари бу муаммолар ҳақида мақолалар ёзишмоқда. Улар «Иш тарзимини ўзгартирайлик, болаларимизга кам вақт ажраталмиш, бу уларнинг тарбиясига таъсир қилаяпти. Оналарнинг бола тарбияси билан шуғулланадиган таълимдан кейин ишга қандайгина қаролатилайлик, болаларни қўлайитишди, шунда улар иш жойини йўқотишдан қўрқмасдан туғишади» каби тақлифлар айтишди. Натيجида, уларнинг амалий ижроси сари ҳаракатлар кўзга ташланипти. Бунгича япон мактабига таълим тизими ривожлантириш учун боғча соҳаси бўйича етук мутахассислар қўлайиб бормоқда.

— Японияда тадқиқотчилар, умуман, таълим олувчилар ва талабалар учун яна қандай имкониятлар ва шароитлар яратилган?

— Эътиборли жиҳати, университетга қабул қилинган талабага ихтиёрий ва ўрганиш шарт бўлган фанлар туркуми берилади. Уларни танлаши учун талаба уч ҳафта давомида ўзини қизиқтирган барча дарсларга қиради, тинглайди. Сўнгги тўртинчи ҳафтада эса ўзига маъқул бўлган ихтиёрий фанларни танлайди. Мажбурий фанларга, албатта, талабанинг хоҳиш-истагига қарамадан қилинади.

Японияда тадқиқотчиларнинг ҳудудларда илмий-изланиши учун ҳар семестрда бир тадқиқотчи учун 1000 АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилади. Мен ҳам ана шу имкониятдан фойдаланиб, Наманган вилояти ва Тошкент шаҳрида илмий-тадқиқот ишларини бажарганиман. Бу мен учун жуда қизиқarli жараён бўлган.

— Илмий ишингиз мазмуни, уни ўрганиш жараёни қандай кечгани ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Илмий ишимни ўрганиш ун-чалик қўйин бўлмаган. Тадқиқотимда таълим тизимидаги ўзгаришлар, жамиятдаги бошқа янгиликларни одамлар қандай қабул қилаётгани, қўзланган мақсадга қай даражада эришилаётгани, янги муаммолар келиб чиқмаяптими, деган саволларга жавоб изланган. Юртимиз одамларининг нуқтани назари, маданий-маърифий қарашларини акс эттиришга интиланман.

— Истикбол орзулари ва режаларингиз?

— Келгусида педагогик фаолиятим билан бирга илмий тадқиқот ишимни ҳам давом эттирмоқчиман. Унда дунёнинг кўзга қўринган давлатлари ҳар томонлама ривожланган бўлишига қарамадан, жамиятда маънавий кемтиклик борлигини, биз ривожланмиш томон кетаятган бир пайтда ўзимизга хос бўлган қадриятларимизни сақлаб қолишимиз кераклигини таъкидламоқчиман. Миллий қадриятларимиз, айниқса, оила тушунчаси ва унинг жамиятдаги аҳамиятини янада кенгроқ англашимиз зарур.

Дунёдан ўрганишимиз керак. Бирок бизнинг ҳам дунёга ўргата оладиган жиҳатларимиз бисёр. Бунини асло унутмаслигимиз зарур.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур!

Зебо НАМОЗОВА суҳбатлашди

Зебо НАМОЗОВА суҳбатлашди

Реклама

Халқ банки ўз мижозларига юқори хавфсизлик тизимига эга замонавий ва кулай «Кобейдж» пластик карталарини таклиф қилади. Дунёнинг 170 дан ортиқ давлатларида ушбу картадан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, мазкур карта орқали интернет дўконларидан харидларни амалга ошириш, мехмонхона, авиачипта ва бошқа хизматларни брон қилиш имконияти ҳам мавжуд. 78-120-17-86, 78-120-17-87, www.xb.uz

Халқ банкнинг «Режали тўлов» картаси орқали савдо дўконларидан истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олишингиз мумкин. Қарз маблағлари мутлақо фоизсиз ажратилади ҳамда уни 12 ой давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади. Куйида ҳамкор ташкилотларимиз: «Texnomart», «RoisonElectronics», «Mediapark», «Schetchik», «Shinavanda - Savdo», «Urgut Mebel Gold», «Tantana Fayz», «Trendy trade», «Yangi asr - Meros», «Idea Concept group», «Smart Motion», «Ar invention», «Xorazm Exclusive Savdo».

МУАССИС: O'zbekiston uyushmalar Federatsiyasi. Бош муҳаррир: Ҳусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари хаёти — (71) 256-64-69, Хуқуқ ва халқаро хаёт — (71) 256-52-89, Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79, Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43, Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Sharq» нашриёт-матбаа аъзадорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Баҳоси келишилган нарҳда. Таҳририят ҳисобчарами: 2021 0000 0004 3052 7001. АТИБ «Iroteta bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22, Андижон — (+998-99) 889-90-23, Бухоро — (+998-99) 889-90-31, Жиззах — (+998-99) 889-90-34, Наманган — (+998-99) 889-98-02, Навоий — (+998-99) 889-90-28, Тошкент — (+998-99) 889-90-25, Самарқанд — (+998-99) 889-90-26, Сирдарё — (+998-99) 889-98-55, Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32, Фарғона — (+998-99) 889-90-24, Хоразм — (+998-99) 889-98-01, Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назаридан фарқланиши мумкин.